

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ БАХТСИЗ ҲОДИСАДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу Оммавий оферта (бундан буён матнда Оферта деб юритилади) “NEO INSURANCE CORP” АЖ нинг (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) номаълум доирадаги жисмоний шахсларга (бундан буён Суғурта қилдирувчи деб юритилади) йўлланган қуйидаги суғурта шартларида суғурта шартномасини Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида тузиш таклифи бўлиб ҳисобланади. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи шартнома тарафларидир.

Мазкур Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг Суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга электрон суғурта полиси юборилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Мазкур оферта шартларига кўра, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкрий манфаатлари суғурта объекти бўлган ва унинг фойдасига суғурта шартномаси тузилган 1 ёшдан 70 ёшгача бўлган жисмоний шахс суғурталанган шахс бўлиши мумкин. Суғурталанган шахслар суғурта полисида кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оферта шартларининг қабул қилиниши мазкур Оферта шартларини сўзсиз қабул қилинган деб ҳисобланади ва у билан қуйидагиларга розилик ифодаланади:

- мазкур Оферта шартлари, жумладан унда баён қилинган суғурта шартларига розилик;
- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотлар билан суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йули орқали 5 йил муддатга ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, улардан фойдаланиш, уларни эгасини кўрсатмаслик, блоклаш, йўқ қилишга (йўқ қилиш ҳақида хабар қилмаган ҳолда), шунингдек суғурта шартномасини бажариш, ички ҳужжат айланмасини таъминлаш мақсадида учинчи шахсларга уларни беришга розилик.

Суғурталовчи сифатида ушбу Оферта шартларига кўра Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган муомалага лаёқатли ва ҳуқуқий лаёқатли жисмоний шахслар, Ўзбекистон фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшовчи чет эл фуқаролари бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг интернет ресурси воситасида Суғурта шартномасини тузиш натижасида ўз ҳуқуқи ва муомалага лаёқатлигини тасдиқлайди, шунингдек ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг интернет ресурсида онлайн тарзда Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчидан унинг электрон почта манзили ва мобил телефон рақами мавжудлиги талаб қилинади.

Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет ресурсида Суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва муҳим бўлган барча маълумотларни киритиш Суғурта учун ариза бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

“Оферта”, “Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” ҳаволалари бундан буён матнда мазкур электрон ҳужжатга нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

### I. УМУМИЙ ШАРТЛАР

#### 1.1 Асосий тушунчалар:

1.1.1. **Суғурталовчи** - Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва молия вазирлигининг Лицензияси асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган “NEO INSURANCE CORP” АЖ.

**1.1.2. Суғурта қилдирувчи** - Суғурталовчи билан Оферта шартларида Суғурта қилиш шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахс.

**1.1.3. Наф олувчи** – Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, агар Суғурталанган шахс ёки Суғурта қилдирувчи томонидан махсус бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра Суғурталанган шахснинг қонуний меросхўрлари Наф олувчилар деб тан олинади. Бошқа барча тўловлар бўйича, агар бошқа қоида белгиланмаган бўлса, Суғурталанган шахснинг ўзи Наф олувчидир.

**1.1.4. Суғурта полиси** – ушбу Оферта тузилганлиги фактини тасдиқлайдиган ва Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

**1.1.5. Суғурта ходисаси** – ушбу Офертада назарда тутилган рўй берган ҳодиса бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчининг суғурта таъминотини тўлаш мажбурияти юзага келади.

**1.1.6 Суғурта даври** – Суғурта полисида кўрсатилган суғурта амал қиладиган вақт даври.

**1.1.7. Суғурта пули** - Суғурта полисида белгиланган ва Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи олддаги мажбуриятларининг чегарасини англатадиган пул маблағлари миқдори.

**1.1.8. Суғурта мукофоти** –Суғурта полисида кўрсатилган ва Суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган туригида ва шартларда тўлаши шарт буган суғурта бадали.

**1.1.9. Суғурта тўлови** – ушбу Офертада назарда тутилган суғурта ходисаси юз берганида Суғурталовчи томонидан Суғурталанган шахсга/Наф олувчига ёки Суғурталанган шахснинг қонуний меросхўрларига персонал суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси

**1.1.10 Суғурталанган шахс** – ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланадиган ва ушбу Шартнома унинг фойдасига тузилган жисмоний шахс.

**1.1.11. Бахтсиз ҳодиса** – Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг тан жароҳатини ёки организмнинг ички ва ташқи функцияларининг бошқача бузилишини ёки ўлимни келтириб чиқарган, касаллик ёки даволаш муолажаларининг оқибатлари бўлмаган ва Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг ва/ёки Наф олувчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда суғурта даврида юз берган, тасодифан, қисқа муддатли ташқи ҳодиса.

**1.1.12. Суғурта ҳудуди** – Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди.

**1.1.13. Соғлиқнинг турғун бузилиши (ногиронлик)** – Суғурталанган шахснинг умумий иш қобилиятини доимий тўлиқ йўқотилиши билан белгиланадиган, даволаш жараёнида турғун ва қайтариб бўлмайдиган табиатга эга бўлган, Суғурта даври давомида юзага келадиган, ушбу Шартномада назарда тутилган бахтсиз ҳодиса оқибатларидан келиб чиқадиган ҳолати.

**1.1.14. Суғурта ходисаси тўғрисида далолатнома** – Суғурта қилинган шахс билан юз берган ҳодиса Суғурталовчи томонидан суғурта ходисаси деб тан олинганида Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчи (Шартнома шартларига боғлиқ ҳолда) томонидан тузиладиган ва суғурта тўловини тўлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжат.

**1.2. Суғурта шартномасини тўзиш ва унинг кучга кириши тартиби:**

1.2.1. Мазкур оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжат бўлиб ҳисобланади;

1.2.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида шаклланади;

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг тўлдирилиши шарт бўлган катаklarини мустақил ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслидаги маълумотларга қатъий мувофиқ ҳолда тўлдирилади;

1.2.4. Суғурта қилдирувчи аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва аслига тўғри эканлиги учун зиммасига жавобгарликни олади, шунингдек аризада кўрсатилган ҳужжатларни уларнинг аслига мувофиқ бўлмаганида суғурта ходисаси юз берган тақдирда, Суғурталовчи суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига рози бўлади;

1.2.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда Суғурта шартномасига (Суғурта полисига) киритилади.

1.2.6. Офертада ва Қоидаларда тақлиф қилинадиган суғурта шартларига рози бўлган тақдирда, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва Суғурта шартномасини тузиш учун аризани (бундан буён матнда Ариза деб юритилади) Суғурталовчининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда тўлдиришга киришади.

1.2.7. Аризани тўлдиришда Суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимolini аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган барча зарур маълумотларни ва суғурта ҳодисаси юз беришидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини (суғурта таваккалчилигини) кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг аслига қатъий мувофиқликда кўрсатилиши керак.

1.2.8. Ариза тўлдирилганидан кейин, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан “Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш” тугмасидан фойдаланишга автоматик тарзда рухсат берилади.

1.2.9. Суғурта шартномаси тарафлари Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полисининг олиниши суғурта шартномаси (суғурта полиси) лозим даражада имзоланганлигини тасдиқлайди.

1.2.10. Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаганлиги факти Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан тасдиқланган сана мазкур Оммавий оферта акцент қилинган ва Суғурта шартномаси тузилган санадир.

1.2.11. Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғурта бошланиши) суғурта мукофоти тўланган пайдан бошлаб кучга киради ва тўланган давр учун амал қилади.

### **1.3. Суғурта шартномаси (полислари) бўйича тўловни амалга ошириш тартиби:**

1.3.1. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича тўловни амалга ошириш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот (онлайн) тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

1.3.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинги қайта йўналтириш учун ариза қабул қилинганлигини тасдиқлаш Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи аризани тўлдираётганида кўрсатиб ўтган мобил телефон рақамига СМС-хабарни жўнатиш йўли билан амалга оширилади;

1.3.3. СМС-хабар тасдиқлаш коди билан бирга олинганидан кейин Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши зарур, ундан кейин у суғурта мукофотининг ҳисобланган суммасини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун танланган тўлов тизимининг сайтига автоматик тарзда қайта йўлланади;

1.3.4. Суғурта полиси қиймати тўланганлиги ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими Суғурта полисини расмийлаштиришни электрон шаклда автоматик тарзда амалга оширади, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига йўллайди ва ундан кейин Суғурта полисининг серияси ва рақами, Суғурта полиси электрон тарзда жўнатилганлиги факти ҳақидаги маълумотларни ичига олган СМС-хабар жўнатилиши йўли билан Суғурта қилдирувчини хабардор қилади.

1.3.5. Суғурталовчи тўлов провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўловлар тизими ва интернет орқали тўлаш билан боғлиқ зарарлари ва таваккалчиликлари учун жавобгар бўлмайди.

1.3.6. Суғурта мукофотини банк картаси билан тўлаш бевосита Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) -карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Агар Суғурта қилдирувчи банк картасини тўлов тўлаш учун бошқа шахсга берган бўлса, Суғурта қилдирувчи бу билан боғлиқ барча таваккалчиликларни ўз зиммасига олади ва мазкур ҳолатда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланишига рози бўлади.

1.3.7. Суғурталовчининг ахборот тизимида “Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш” тугмасини босиш билан, шунингдек шакллантирилган суғурта мукофотини тўлаган ҳолда Оферта йўлланган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ мазкур Оферта шартларига рози эканлигини билдиради.

**1.4. Суғурта шартномасини (суғурта полисини) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш. Суғурта мукофотини қайтариш:**

1.4.1. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади.

1.4.2. Суғурта шартномаси ушбу шартноманинг 1.4.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

1.4.3. Суғурта полисини Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш Суғурталовчининг манзилига бекор қилиш ҳақидаги ёзма аризани йўллаш орқали амалга оширилади

#### **СУҒУРТАЛОВЧИННИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

Тўлиқ номи: “NEO INSURANCE CORP” АЖ

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 9А-уй.

Электрон манзили: [www.neoinsurance.uz](http://www.neoinsurance.uz) / [info@neoinsurance.uz](mailto:info@neoinsurance.uz)

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар: Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023-йил 19-майда давлат рўйхатидан ўтказилган, рўйхат рақами 938933

Лицензия туғрисида маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йилнинг 12 июлдаги 101477-сонли Лицензия берилган.

## **2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ**

2.1. Ушбу офертада кўрсатилган шартлар ва истисноларга мувофиқ расмийлаштирилган суғурта полиси асосида, суғурталанган шахснинг ногиронлиги, жисмоний шикастланиши ёки ўлимига олиб келадиган бахтсиз ҳодисалар (ишда ва уйда) суғурта ҳодисалари деб тан олинади.

2.2. Суғурта даврида ва географик ҳудуд доирасида содир бўлган, юз бериши билан Суғурталовчининг Суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келадиган битта ёки бир нечта ўзаро боғланган ҳодисалар (суғурта таваккалчиликлари) суғурта ҳодисаси деб тан олинади.

2.3. Мазкур Офертанинг 2.1.1., 2.1.2-бандларда кўрсатилган ҳодисалар. агар улар Шартноманинг амал қилиш муддати давомида рўй берган бўлса ва қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли органлар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса, суғурта ҳодисаси деб эътироф этилади.

## **3. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР**

3.1. Ушбу офертанинг 4.1. бандда кўрсатилган ҳодисаларга тўғридан-тўғри ёки билвосита олиб келган қуйидаги сабаблар суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмайди:

а) ҳар қандай тавсифдаги ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), террорчилик ҳаракатлари, фуқаролар урушлари, инкилоб, кўзғолон ёки бошқа шунга ўхшаш тартибсизликлар, шу жумладан ички тартибсизликлар (митинглар, ғалаёнлар, иш ташлашлар, намойишлар);

б) ядро портлаши, радиация ва радиоактив зарарланиш;

в) Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизлиги, мазкур шахслар бундай ҳаракатларни амалга ошириш пайтида муомалага лаёқатли ёки муомалага лаёқатсиз бўлишидан қатъий назар, бундан улар томонидан ўз фуқаролик бурчини бажариш ёки Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар мустасно;

г) Суғурталанган шахснинг расмий спорт тадбирларида (мусобақаларида) ёки спорт билан профессионал тарзда мунтазам шуғулланиш (машқлар, кўргазмали чиқишлар, йиғинлар ва бошқалар) билан боғлиқ бошқа тадбирларда иштирок этиши, турли учувчи аппаратлардан фойдаланиш, парашют билан сакраш, шунингдек ҳаёт ва соғлиқ учун бевосита юқори хавф билан боғлиқ бошқа тадбирлар;

д) Суғурталанган шахснинг алкоголь таъсирида мастлик ҳолатида бўлиши/заҳарланиши ёхуд наркотик ёки токсик мастлик ҳолатида бўлиши ва/ёки заҳарланиши.

Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Суғурталанган шахснинг мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтишни рад этиши мазкур кичик бандда кўрсатилган ҳолатлар мавжудлигига тенглаштирилади;

е) Суғурталанган шахснинг ҳар қандай алкоголь ўрнини босувчиларни, наркотик, психотроп ва токсик моддаларни ихтиёрий равишда истеъмол қилиши ва ушбу омиллар билан боғлиқ ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), тегишли малакага эга бўлган шифокорнинг кўрсатмаларига аниқ риоя вилган ҳолда дори воситаларини қабул қилиш бундан мустасно;

ж) Суғурталанган шахснинг ўзини ўзи ўлдириши ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши, Суғурта шартномаси ушбу пайтга келиб икки йилдан ортиқ амал қилган ҳолат бундан мустасно;

з) ташҳислаш, даволаш ва профилактика тадбирларининг (жумладан дорилар инъекцияларининг) салбий оқибатлари, агар улар шикастланиш оқибатларини даволаш билан боғлиқ бўлмаса;

и) хавфсизлик техникаси, меҳнат муҳофазаси қоидалари ва саноат санитарияси нормаларининг қўпол бузилиши;

к) ушбу Шартнома тузилган пайтда Суғурталанган шахсда мавжуд бўлган юрак-томир тизими, қон айланиши тизими (гипертонияда) касалликларининг, диабет, неврологик касалликларнинг зўрайиши ёки хуружи;

л) инсульт, инфаркт (инфаркт ҳеч қайси ҳолатда бахтсиз ҳодиса оқибати сифатида қаралмайди);

м) ушбу Шартнома амал қилиши даврида юзага келиши ёки зўрайиши мумкин бўлган ўткир ёки сурункали касаллик, касб касаллиги;

н) портлаш хавфи ва енгил алангаланувчан материаллар билан ишлаш.

3.2. Қуйидагилар бахтсиз ҳодисалар деб ҳисобланмайди:

- барча турдаги касалликлар, шу жумладан инфекция касалликлари, жумладан ОИВ инфекцияси, ОИТС, ҳар қандай таносил касалликлари, шунингдек озик-овқат маҳсулотлари ёки дори препаратлари истеъмол қилинганида юзага келган саломатлик бузилиши суғурта ҳодисаси деб эътироф қилинмайди.

- токсикозлар ва аёлларда ҳомиладорлик ҳолатининг бошқа асоратлари, бола ташлаш/ҳомиладорликнинг муддатидан аввал тўхтатилиши, туғруқ, туғруқ пайтида ва ундан кейин ортирилган асоратлар ва касалликлар.

3.3. Ушбу Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ва унинг юзасидан Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс ва/ёки Наф олувчи Суғурталовчига била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этган ҳодисалар суғурта ҳодисалари бўлмайди.

3.4. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда суғурта тўловини амалга оширишдан озод қилинади.

#### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи томонидан ахборот тизимида ҳамма фойдалана оладиган шаклда тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар бўлмайди.

4.2. Суғурталовчи унинг ваколати доирасидан ташқарида бўлган ҳодисалар ва ҳолатлар натижасида юзага келган салбий оқибатлар учун, шунингдек учинчи шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун, айнан эса қуйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

- Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар ишончсизлиги, етарли бўлмаганлиги ва ўз вақтида берилмаганлиги оқибатида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш мумкин бўлмаган ёки Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Оферта шартлари ёки ҳужжатларга талаблар бузилган тақдирда;

- ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги (улардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги) учун;

- алоқа линиялари ишининг бузилиши сабаблари бўйича Суғурта қилдирувчи томонидан полисни расмийлаштириш мумкин бўлмаганда, Суғурта қилдирувчининг ускуналари носоз бўлганида;

4.3. Тарафлар ушбу Оферта бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ва/ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мазкур Офертада ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда жавобгар бўлади.

4.4. Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юз берган тақдирда, Тарафлар ушбу Оферта бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

4.5. Мазкур Офертанинг бирор-бир қоидалари Суд томонидан ҳақиқий эмас деб тан олиниши қолган қоидаларнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 5.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурта шартномаси доирасида Суғурталовчи маслаҳатларини олиш;  
б) суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурталовчидан мазкур Суғурта шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда бажарилишини талаб қилиш.

в) Суғурта полиси йўқотилган тақдирда унинг дубликатини олиш

### 5.2. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) суғурта мукофотини ушбу оферта билан белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаш;  
б) суғурта ҳодисаси рўй бериш эҳтимолини олдини олиш мақсадида барча чораларни кўриш;

в) Суғурта шартномаси доирасида суғурта товонини тўлаш талабини Суғурталовчига асослаб бериши мумкин бўлган суғурта ҳодисаси юз берганида, Суғурталовчини бу ҳақда Офертада кўрсатилган исталган усулда хабардор қилиши;

е) техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

### 5.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурталовчи/Наф олувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни, шунингдек, Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи томонидан мазкур Оферта талаблари ва шартларига мувофиқлигини текшириш;

б) қуйидаги ҳолларда суғурта қопламасини тўлашни рад этиши, агар Суғурта қилдирувчи ёки Суғурталанган шахс ёки Наф олувчи:

- рўй берган бахтсиз ҳодиса ҳақида Суғурталовчига ўз вақтида хабар бермаса;

- ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса, шунингдек суғурталовчининг талабига биноан 3 ой мобайнида бундай ҳодисанинг Суғурталанган шахснинг ногиронлиги, жисмоний шикастланиши (жароҳатланиши) ёки ўлими билан сабабий боғлиқлигини аниқламаса; ёки ёлғон далиллар ва маълумотларни тақдим этган.

в) Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Офертанинг 5.2. (в) бандида назарда тутилган мажбурият бажарилмаган тақдирда, Суғурта шартномаси бекор қилинишини ва мазкур Шартноманинг бекор қилиниши натижасида етказилган зарарларни қоплашни талаб қилиш;

г) суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган огоҳлантирувчи тадбирларни ўтказиш;

д) жабрланувчи Суғурталанган шахсга унинг ҳолатини текшириш ва унинг касаллик тарихини ўрганиш учун ўзининг ишончли шифокор-экспертини юбориш;

е) агар баён қилинган ҳодиса юзага келишига олиб келган ҳолатларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Суғурта қилдирувчига, Суғурталанган шахсга ёки Наф олувчига қарши жиноят иши қўзғатилган бўлса, суғурта тўлови тўғрисида қарор қабул қилинишини тергов ва/ёки суд жараёни яқунланишига қадар кечиктириш;

ж) суғурта мукофотини тўлаш 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддатга кечиктирилган тақдирда, ушбу Офертанинг амал қилишини бир тарафлама тартибда бекор қилиш.

### 5.4. Суғурталовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

- а) ушбу Шартномада белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериши;
- б) барча зарур ҳужжатлар олинганидан кейин ушбу Шартномага мувофиқ баён қилинган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиш/тан олмаслик, суғурта тўловини амалга ошириш, бирор-бир пул маблағларини тўлашни кечиктириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши;
- в) суғурта тўлови ҳақида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу Шартномада белгиланган муддатда суғурта тўловини амалга ошириш;
- г) ушбу Шартнома амал қилиши даврида суғурта масалалари бўйича маслаҳат бериш;
- д) суғурта даврида Суғурта қилдирувчидан/Суғурталанган шахсдан/Наф олувчидан олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиши, бундан Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат органларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар мустасно.

## 6. СУҒУРТА ҲОДИСАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

6.1. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса юз берганида Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс/Наф олувчи) қуйидагиларни бажариши шарт:

а) имкон юзага келиши билан дарҳол, аммо суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса юз берган пайдан 30 (ўттиз) кундан кечикмай Суғурталовчига мазкур ҳодиса юзага келишига таъсир кўрсатган сабаблар ва ҳолатларни кўрсатган ҳолда ёзма аризани юбориши;

б) ушбу Қоидаларнинг 6-бўлимида кўрсатилган ҳужжатлар Суғурта қилдирувчи томонидан объектив сабабларсиз 3 (уч) календарь оyi ичида тақдим этилмаган тақдирда, Суғурталовчи содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олмасликка ва суғурта таъминотини тўлашни рад этишга ҳақли.

6.2. Суғурталовчи суғурта товони тўловини суғурталанган шахснинг ёки Наф олувчининг суғурта ҳодисаси ҳақидаги ёзма аризаси ва унга илова қилинган – мазкур Офертанинг 6.3.-бандда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширади.

Суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги ариза билан бир қаторда Суғурталовчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

**6.2.1. Суғурта қилинган шахс тан жароҳати олганида ва/ёки соғлиғи бошқача тарзда бузилганида:**

а) Суғурта полисининг асли;

б) шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

в) ташҳиси, сабаблари ва бошқалар баён қилинган ҳолда тиббиёт муассасасидан олинган маълумотнома;

г) агар Суғурталанган шахс/Наф олувчи транспорт воситасини бошқарган бўлса, ЙТХ да алкоголь таъсирида, наркотик ёки токсик мастлик ҳолатинининг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тиббий хулоса.

д) агар Суғурталанган шахс бахтсиз ҳодиса натижасида жисмоний шикастланиш (жароҳат) олган бўлса, рентген суратларидан нусха (суяк синиш ҳолатида).

**6.2.2. Суғурта қилинган шахснинг соғлиғига барқарор путур етканида (ногирон бўлиб қолганида):**

6.2.1-банди бўйича тақдим этилган ҳужжатларга қўшимча равишда Суғурталовчига ногиронлик даражаси кўрсатилган ҳолда ваколатли давлат органининг хулосаси тақдим этилади;

**6.2.3. Суғурта қилинган шахс вафот этганида ушбу шартномада тайинланган Наф олувчи мавжуд бўлганида:**

- а) Суғурта полисининг асли;
- б) Наф олувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

в) ўлим тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

г) агар Полисда Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса, Наф олувчи сифатида Суғурта қилинган шахснинг меросхўрлари тайинланади, улар мавжуд бўлмаганида Суғурта қилдирувчи Наф олувчи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- суғурталанган шахснинг паспортининг асли ва нусхаси;

- стационар беморнинг тиббий картасидан кўчирманинг асл нусхаси (чиқариш хулосаси) (хабар қилинган ҳодиса бўйича дастлабки даволаниш кунидан бошлаб) ва/ёки тиббий муассаса томонидан тасдиқланган стационар беморнинг тиббий дафтарининг нусхаси (хабар берилган кундан бошлаб). Амбулатор даволаниш учун - амбулатор беморнинг тиббий картасидан кўчирманинг асл нусхаси (эълон қилинган ҳодиса бўйича дастлабки ташриф буюрилган кундан бошлаб) ва/ёки суғурталанган шахснинг тиббий муассаса томонидан тасдиқланган амбулатор тиббий картасининг нусхаси (хабар берилган кундан бошлаб). Тиббий маълумотноманинг нусхаси тиббиёт ходими томонидан тасдиқланган бўлиши керак (ушбу ваколатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда) ва тиббий муассасанинг муҳри бўлиши шарт;

- суғурталанган шахс бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этган тақдирда, ўлимнинг белгиланган сабабини кўрсатган ҳолда ўлим тўғрисидаги гувоҳноманинг асли ва нусхаси;

- ўлим сабабини аниқлаш учун Суғурталовчининг талабига кўра мансабдор шахс томонидан тасдиқланган суд-кимёвий, суд-биологик, гистологик тадқиқотлар натижалари билан суд-тиббий экспертиза хулосасининг нусхаси ва Ички ишлар вазирлигининг муҳри; Прокуратура ёки тиббий муассасанинг муҳри босилган ўлимдан кейинги экспертиза хулосасининг нусхаси;

- бахтсиз ҳодиса натижасида Суғурталанган шахс жисмоний шикастланиш (жароҳат) олган тақдирда, рентген сурталари;

- бахтсиз ҳодиса пайтида алкоғол, гиёҳвандлик ёки токсик заҳарланиш йўқлигини тасдиқловчи тиббий маълумотнома, агар суғурталанган шахс / наф олувчи транспорт воситасини бошқарган бўлса;

- Суғурталанган шахсга ногиронлик белгиланса, кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда ваколатли давлат органининг ногиронлик даражасини кўрсатадиган хулосаси.

6.4. Суғурталовчи мазкур Офертанинг 3-бўлимида кўрсатилган ҳодисалар натижасида суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолини истисно этиш учун қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

6.5. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса сабаблари ва ҳолатларини кўрсатувчи ҳужжатларга асосланган ҳолда Суғурталовчи томонидан мазкур ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор чиқарилади. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси тан олинган тақдирда, тарафлар томонидан Суғурта ҳодисаси ҳақида далолатнома тузилади ва имзоланади, унда тўланиши лозим бўлган сумма белгиланади.

6.6. Суғурталовчининг суғурта таъминотини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори барча ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечикмай Суғурта қилдирувчига/ Суғурталанган шахсга/Наф олувчига хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асосланганлиги изоҳини ўз ичига олиши керак.

6.7. Агар бахтсиз ҳодиса юз бериши факти бўйича жиноят иши, фуқаролик иши ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисида иш қўзғатилган бўлса, Суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суммани тўлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишни ваколатли органлар томонидан

тегишли қарор қабул қилиниши пайтига қадар кечиктириш ҳуқуқига эга.

6.8. Суғурта ҳодисаси юз берганлигини исботлаш Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчи зиммасида бўлади.

6.9. Суғурта тўлови Суғурта ҳодисаси далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида амалга оширилади.

## 7. СУҒУРТА ТОВОННИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурталанган шахс тан жароҳати олганда ва/ёки соғлиғига бошқа зарар етганда “Суғурта тўловлари жадвали” га мувофиқ суғурта пулига нисбатан фоизларда тўланади. (Мазкур офертага 1-илова)

“Суғурта тўловлари жадвали” га киритилмаган ташхис қўйилган тана жароҳати олинганда, тўлов Суғурталовчининг ишончли шифокор-мутахассисининг ҳулосасига асосан “Суғурта тўловлари жадвали” нинг тан жароҳатига тўғри келадиган, тегишли бўлимида кўрсатилган максимал тўлов миқдори чегарасида амалга оширилади.

7.2. Суғурталанган шахсга бахтсиз ҳодиса юз берган кундан эътиборан олти ой ичида ногиронлик гуруҳи белгиланган тақдирда, суғура тўлови суғурта ҳодисалари муносабати билан илгари тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда, аммо персонал суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда қуйидаги тартибда тўланади:

- Суғурталанган шахсга I гуруҳ ногиронлиги белгиланганида – персонал суғурта суммасининг 100% миқдорида;

- Суғурталанган шахсга II гуруҳ ногиронлиги белгиланганида – персонал суғурта суммасининг 80% миқдорида;

- Суғурталанган шахсга III гуруҳ ногиронлиги белгиланганида – персонал суғурта суммасининг 60% миқдорида.

7.3. Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда суғурта тўловининг суммаси Суғурталанган шахсга илгари тўланган суғурта таъминотини айириб ташлаган ҳолда мазкур Суғурталанган шахс учун белгиланган персонал суғурта суммасининг 100 фоизини ташкил этади.

7.4. Суғурталовчи томонидан Суғурта даври мобайнида айнан битта Суғурталанган шахс билан юз берган битта ёки бир нечта суғурта ҳодисалари бўйича амалга оширилган суғурта тўловининг умумий суммаси унинг персонал суғурта суммасидан ошмаслиги лозим.

7.5. Суғурта тўлови Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланган кундан эътиборан 5 (беш) банк куни ичида амалга оширилади.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

8.2. Суғурта шартномасидан келиб чиққан барча низолар ва келишмовчиликлар тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал қилинади, музокаралар йўли билан келишувга эришилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

Суғурталанган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига  
етказилган зиён ўрнини қоплаш бўйича тўловлар  
ЖАДВАЛИ

Модда	Шикастланиш характери	Қоплана- диган зиён миқдори, %
<b>МАРКАЗИЙ ВА ПЕРИФЕРИК НЕРВ ТИЗИМИДА</b>		
1.	Бош чаноғи суяқларининг синиши:	
	а) чаноқ гумбази суяқларининг ташқи пластинкаси синиши	5
	б) чаноқ гумбази суяқларининг синиши	15
	в) чаноқ асоси суяқларининг синиши	20
	г) чаноқ гумбази ва асоси суяқларининг синиши	25
	д) суяқларнинг очиқ синишларида қўшимча равишда тўланади	5
2.	Бош чаноғи ички шикастланиши гематомалари:	
	а) эпидурал гематома	20
	б) субдурал гематома	25
	в) субарахноидал	15
3.	Бош мия моддасининг мажақланиши	50
4.	Бош миянинг лат ейиши	10
5.	Бош мия чайқалиши	5
	<b>Изоҳ:</b> 1. Агар бош чаноғи-мия шикастланиши муносабати билан чаноқнинг пармаланиши ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади. 2. Агар бош чаноғи-мия шикастланиши натижасида 1–5-бандларда санаб ўтилган шикастланишлар юз берса, суғурта товони уларнинг ҳар бирини ҳисобга олган ҳолда қўйиши йўли билан тўланади.	
6.	Нейротроп захарлар билан тасодифан захарланиш, кана чақишидан ёки эмлашдан кейинги энцефалит (энцефаломиелит), электр токидан, атмосфера электридан шикастланиш, стационар даволанишда қоқшол:	
	а) 7 кунгача, охириги кун кирган ҳолда	5
	б) 21 кунгача, охириги кун кирган ҳолда	10
	в) 30 кунгача, охириги кун кирган ҳолда	15
	г) 30 кундан ортиқ	25
7.	Ҳар қандай даражада орқа миянинг, шунингдек умуртқа поғонаси биринчи бўлмасининг шикастланиши:	
	а) чайқалиши	5
	б) лат ейиши	10
	в) қисман узилиши, эзилиши, полиомиелит	50
	г) орқа миянинг тўлиқ узилиб қолиши	100
8.	Бош чаноғи-мия нервларининг периферик шикастланиши	10
9.	Бўйин, елка, бел, думғаза боғламлари ва улар нервларининг шикастланиши:	
	Боғламларнинг шикастланиши:	
	а) травматик плексит	10
	б) боғламларнинг қисман узилиши	40
	в) боғламларнинг узилиб қолиши	70
	Нервларнинг даражали шикастланиши:	
	г) билақда, болдирда	10
	д) билақда, болдирда	20
	е) елка, тирсак бўғини, тос суяги, тизза бўғинида	40
	<b>Изоҳ.</b> Қўл панжаси ёки оёқ кафти суяги даражасида нервларнинг шикастланиши суғурта товонини тўлаш учун асос бўлмайди.	
<b>КЎРИШ ОРГАНЛАРИДА</b>		
10.	Кўзлардан бирида аккомодация фалажлиги	15
11.	Кўзлардан бирида гемианопсия (кўзлардан бирида кўриш майдони ярмининг йўқолиши)	15
12.	Кўзлардан бирида кўриш майдонининг торайиши:	
	а) ноконцентрик	10
	б) концентрик	15
13.	Кўзлардан бирида пульсацияланувчи экзофтальм	20





27.	Ўпканинг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) ўпканинг бўлагини, қисмини олиб ташланиши	40
	б) ўпканинг олиб ташланиши	60
28.	Кўкрак қафасини синиши	10
29.	Қовурғаларнинг синишлари:	
	а) битта қовурғани	5
	б) ҳар бир кейинги қовурғани	3
	<b>Изоҳ:</b> 1. Реанимация тадбирлари вақтида қовурғалар синганида суғурта товони умумий асосларда тўланади. 2. Қовурғанинг тоғай қисмининг синиши суғурта товони тўлашга асос бўлади. 3. Агар турли даволаш-профилактика муассасаларидан олинган маълумотномаларда шикастланган қовурғаларнинг сони турлича кўрсатилган бўлса, суғурта товони кўрсатилган қовурғалар сонининг энг кўп миқдорини инобатга олган ҳолда тўланади.	
30.	Кўкрак бўшлигининг тешиб ўтувчи яраланиши, шикастланиш юзасидан торакотомия:	
	а) кўкрак бўшлиғи органларининг шикастланиши мавжуд бўлмаганида.	10
	б) кўкрак бўшлиғи органларининг шикастланганида	20
	<b>Изоҳ.</b> Агар кўкрак қафаси ва унинг органлари шикастланиши муносабати билан ўпка ёки унинг қисми олиб ташланган бўлса, суғурта товони 27-бандга мувофиқ тўланади; бунда 30-банд қўлланилмайди.	
31.	Бўғиз, трахея шикастланишлари, тил ости суягининг синиши, шикастланиш муносабати билан ўтказилган трахеостомия, бегона жисмни олиб ташлаш мақсадида бронхоскопия	10
32.	Бўғиз, трахея, тил ости суяги, қалқонсимон тоғайнинг шикастланишлари, нафас олишнинг бузилишини, овоз бўғиқлиги ёки овоз йўқотилишини келтириб чиқарган шикастланиш муносабати билан ўтказилган трахеостомия, трахеостомик найчани тутиб юриш	30
	<b>Изоҳ:</b> 1. Агар суғурта товони 32-бандга мувофиқ тўланган бўлса, 31-банд қўлланилмайди. 2. Шу жумладан, агар суғурта қилдирувчи ўзининг аризасида шикастланиш бўғиз ёки трахея функцияси бузилишини келтириб чиқарганлигини кўрсатган бўлса, мутахассис хулосасини олиш зарур.	
	<b>ЮРАК-ТОМИР ТИЗИМИДА</b>	
33.	Юрак, унинг пардаси ва йирик магистрал томирларнинг шикастланиши	25
34.	Юрак, унинг пардаси ва йирик магистрал томирларнинг юрак етишмовчилигини келтириб чиқарган шикастланиши	50
35.	Йирик периферик томирларнинг қон айланиши бузилишини келтириб чиқармаган шикастланиши	10
36.	Йирик периферик томирларнинг томир етишмовчилигини келтириб чиқарган шикастланиши	30
	<b>Изоҳ.</b> Йирик магистрал томирларга қуйидагилар киради: аорта, ўпка, номсиз, уйқу артериялари, ички бўйинтуруқ веналари, юқори ва қуйи ичи ковак веналар, бўйиндаги ёқа вена, шунингдек ички органларда қон айланишини таъминлайдиган магистрал томирлар. Йирик периферик томирларга қуйидагиларни киритиш лозим: ўмров ости, қўлтиқ ости, елка, тирсак ва билакнинг пастки учдан бир қисмигача бўлган артериялар, ёнбош, сон, тиззаости, болдирнинг пастки учдан бир қисмигача бўлган олд ва орқа катта болдир артериялари, елка-бош, ўмров ости, қўлтиқ ости, сон ва тиззаости веналари.	
	<b>ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИДА</b>	
37.	Юқори жағ, ёноқ суяги ёки пастки жағнинг синиши, пастки жағнинг чиқиши	5
	<b>Изоҳ:</b> 1. Юқори жағ ва пастки жағ синишларида суғурта товони уларнинг ҳар бирининг шикастланишини ҳисобга олган ҳолда қўшии йўли билан тўланади. 2. Жағ синишларида шикастланишининг бир томонлама ёки икки томонлама эканлиги ҳисобга олинмайди. 3. Стоматологик муолажалар вақтида тасодифан юз берган жағ синишида суғурта товони умумий асосларда тўланади. 4. Шикастланиш натижасида тишлар тўкилиши билан кечадиган ёки тишларни олиб ташлашда альвеоляр ўсимтасининг синиши суғурта товонини тўлаш учун асос бўлмайди.	

	5. Юқори жағ ва ёноқ суяги синишларида суғурта товони бир карра миқдорда тўланади.	
38.	Пасти жағнинг одатдаги чиқиши	15
	<b>Изоҳ.</b> Пасти жағнинг одатдаги чиқишида суғурта товони фақат ушбу асорат суғурта даврида олинган шикастланиш натижасида юз берган ҳолларда тўланади.	
39.	Жағнинг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) жағ бир қисмининг мавжуд эмаслиги	40
	б) жағнинг мавжуд эмаслиги	80
	<b>Изоҳ:</b> 1. Жағ ёки унинг бир қисми мавжуд эмаслиги муносабати билан суғурта товони тўланганда сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда тишларнинг йўқотилиши. 2. Жағнинг шикастланиши оғиз бўйлигидаги бошиқа органларнинг шикастланиши билан кечган ҳолларда, тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг фоизи ушбу шикастланишларни ҳисобга олган ҳолда тегишли бандлар бўйича қўйиши йўли билан аниқланади.	
40.	Тилнинг шикастланиши (яраланиши, куйиши, совуқ уриши)	3
41.	Қуйидагиларни келтириб чиқарган ҳолда тилнинг шикастланиши:	
	а) чандиқларнинг ҳосил бўлиши (ўлчамидан қатъи назар)	5
	б) тилнинг дистал учдан бир қисми даражасида (учининг) мавжуд эмаслиги	15
	в) тилнинг ўртача учдан бир қисми даражасида мавжуд эмаслиги	30
	г) тилнинг ўзақ даражасида мавжуд эмаслиги ёки тилнинг тўлиқ мавжуд эмаслиги	60
42.	Тишларнинг йўқотилиши:	
	а) 1 та тиш	5
	б) 2-3 та тиш	10
	в) 4 - 6 та тиш	15
	г) 7 - 9 та тиш	20
	д) 10 ва ундан ортиқ тиш	25
	<b>Изоҳ:</b> 1. Шикастланиш натижасида ечиб олинмайдиган тиш протезлари синганида ёки йўқотилганида суғурта товони фақат таянч тишларнинг йўқотилишини ҳисобга олган ҳолда тўланади. Шикастланиш натижасида ечиб олинмайдиган тиш протезлари синганида суғурта товони тўланмайди. 2. 5 ёшгача бўлган болаларда сут тишлари йўқотилганида ёки синганида суғурта товони умумий асосларда тўланади. 3. Тишлар йўқотилганида ва жағ синганида тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг миқдори қўйиши йўли билан 37 ва 42-бандлар бўйича аниқланади. 4. Шикастланиш натижасида тиш коронкасининг (камида тўртдан бир қисмини) синиши ёки узилиб тушиши тиш йўқотилишига тенглаштирилади. 5. Агар шикастланиши муносабати билан олиб ташланган тиш имплантация қилинса, суғурта товони умумий асосларда тўланади. У олиб ташланган тақдирда, қўйишмча тўлов амалга оширилмайди.	
43.	Меъда-ичак йўллари бўлмаларининг шикастланиши (яраланиши, куйиши):	
	а) оғиз бўшлиғи, бўғиз, қизилўнгач, меъдани;	5
	б) қизилўнгач, меъдада бегона жисмларни функционал бузилишларга олиб келмаган олиб ташлаш мақсадида ўтказилган эзофагогастростомия	10
44.	Қизилўнгачнинг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши (яраланиши, куйиши):	
	а) қизилўнгачнинг торайиши	40
	б) қизилўнгачнинг беркилиб қолиши (гастростома мавжуд бўлганида), пластикадан кейинги ҳолат	100
	<b>Изоҳ.</b> 44 б-банд бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг фоизи шикастланиш олинган кундан эътиборан камида 6 ой ўтгач аниқланади. Ушбу муддатдан олдин суғурта товони дастлабки тарзда 44 а-банди бўйича тўланади.	
45.	Овқат ҳазм қилиш органларининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши (ёрилиши, куйиши, яраланиши), тасодифий ўткир заҳарланиши:	
	а) холецистит, дуоденит, гастрит, панкреатит, энтерит, колит, проктит, парапроктит	15
	б) меъда, ичак, орқа тешикнинг ёпишиб қолиш касаллиги (ёпишиб қолиши сабабли беркилиб қолиши юзасидан ўтказилган жарроҳлик операциясидан кейинги ҳолат), чандикли торайиши (деформацияси)	30
	в) ичакда тешик, ичак-қинда тешик, меъда ости безида тешик пайдо бўлиши	50
	г) орқа тешикнинг нотабиийлиги (колостома)	100
	<b>Изоҳ:</b>	

	<p>1. "а", "б" кичик бандларида назарда тутилган шикастланиши асоратларида суғурта товони шикастланишидан кейин камида 3 ой ўтгач тўланади.</p> <p>2. Тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг фоизи шикастланиши олинган кундан эътиборан камида 6 ой ўтгач 45-(в, г) бандлари бўйича аниқланади.</p> <p>Ушбу муддатдан олдин суғурта товони 45а банди бўйича тўланади.</p>	
46.	Олдинги қорин девори, диафрагма шикастланиши жойида ҳосил бўлган чурра ёки агар жарроҳлик операцияси шикастланиш муносабати билан ўтказилган бўлса, операциядан кейинги чандик соҳасида ҳосил бўлган чурра, шунингдек бундай чурра юзасидан ўтказилган операциядан кейинги ҳолат	10
	<p><b>Изоҳ:</b></p> <p>1. 46-банд бўйича суғурта товони қорин органлари шикастланиши муносабати билан белгиланган суғурта товонига, агар у ушбу шикастланишининг бевосита оқибати бўлса, қўшимча равишда тўланади.</p> <p>2. Оғирликни кўтариши натижасида юзага келган қорин чурралари (киндик, қориннинг оқ чизиги, чов ва чов-моя халтасига доир чурралар) суғурта товонини тўлашига асос бўлмайди.</p>	
47.	Трамва, тасодифий ўткир заҳарланиш натижасида қуйидагиларни келтириб чиқарадиган жигарнинг шикастланиши:	
	а) трамва ёки тасодифий ўткир заҳарланиш муносабати билан бевосита ривожланган гепатит (гепатоз)	10
	б) жарроҳлик аралашуви ўтказилишига сабаб бўлган жигарнинг ёрилиши	15
	в) ўт копининг олиб ташланиши	20
48.	Шикастланиши муносабати билан жигарнинг бир қисмини олиб ташланиши	30
49.	Талокнинг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) талокнинг жарроҳлик аралашувини талаб қилмайдиган капсула ости ёрилиши	5
	б) талокни олиб ташланиши	30
50.	Меъда, меъда ости беzi, ичак, қатқориннинг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) меъда ости беzi сохта ўсмасини (кистасини) ҳосил бўлиши	20
	б) меъданинг 1/3 қисмигача, ичакнинг (қатқориннинг) 1/3 қисмигача бўлган қисмини олиб ташланиши (резекцияси)	30
	в) меъданинг 1/2 қисмигача, меъда ости беzi қуйруқ қисмининг 1/3 қисмигача, ичакнинг 1/2 қисмигача бўлган қисмини олиб ташланиши (резекцияси)	45
	г) меъданинг 2/3 қисмини, ичакнинг (қатқориннинг) 2/3 қисмини, меъда ости беzi танасининг 1/2 қисмини олиб ташланиши (резекцияси)	60
	д) меъдани, меъда ости безининг 2/3 қисмини, ичакни (қатқоринни) олиб ташланиши	80
	е) меъдани ичак билан ва меъда ости безининг бир қисми билан олиб ташланиши	100
51.	Қорин органларининг шикастланиши ва ушбу муносабат билан қуйидагиларнинг ўтказилиши:	
	а) лапароскопия (лапароцентез)	5
	б) қорин органлари шикастланишига шубҳа қилинганда лапаротомия	10
	в) қорин органлари шикастланганда лапаротомия	15
	г) такрорий лапаротомия	10
	<p><b>Изоҳ:</b></p> <p>1. Агар қорин органлари шикастланиши муносабати билан 47-50-бандлар бўйича суғурта товонини тўлаш учун асослар мавжуд бўлса, 51-банд қўлланилмайди.</p> <p>2. Агар овқат ҳазм қилиш тизими органларининг шикастланиши муносабати билан амалга оширилган жарроҳлик аралашувида оғриқли ўзгарган орган шикастланганлиги ва аввал мавжуд бўлган касаллик муносабати билан унинг қисман ёки тўлиқ олиб ташланганлиги аниқланса, суғурта товони фақат 51 б банди бўйича тўланади.</p>	
	<b>СИЙДИК-ЖИНСИЙ ЙЎЛЛАР ТИЗИМИДА</b>	
52.	Буйракнинг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) буйракнинг лат ёйиши	5
	б) буйракнинг бир қисмини олиб ташланиши	35
	в) буйракнинг олиб ташланиши	60
53.	Сийдик чиқариш тизими органларининг (буйрақлар, сийдик йўллари, қовуқ, сийдик чиқариш каналининг) қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) цистит, уретрит	10
	б) пиелит, пиелонефрит, пиелоцистит, қовуқ ҳажмини кичрайиши	15
	в) гломерулонефрит, сийдик найининг, сийдик чиқариш каналининг торайиши	30
	г) буйрак етишмовчилиги	35

	д) сийдик найининг, сийдик чиқариш каналининг беркилиб қолиши, сийдик-жинсий йўлларида тешик яралар	50
	<b>Изоҳ.</b> Агар шикастланиш натижасида сийдик чиқариш тизимининг бир нечта органлари функциясининг бузилиши юз берса, тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг фоизи 53-банддаги шикастланишнинг оғирроқ оқибатини инобатга олувчи кичик бандлардан бири бўйича аниқланади.	
54.	Сийдик чиқариш тизими органларининг шикастланиши ва шу муносабат билан жарроҳлик операциясининг ўтказилиши:	
	а) органлар шикастланганлигига шубҳа қилинганда	10
	б) органлар шикастланганлигида	15
	в) шикастланиш муносабати билан амалга оширилган такрорий жарроҳлик операцияси	10
	<b>Изоҳ.</b> Агар шикастланиш муносабати билан буйрак тўлиқ ёки унинг бир қисми олиб ташланган бўлса, суғурта товони 52-(б, в) банди бўйича тўланади; бунда 54-банд қўлланилмайди.	
55.	Жинсий органлар ёки сийдик чиқариш тизими органларининг шикастланиши (яраланиши, узилиши, куйиши, совуқ уриши)	5
56.	Жинсий органлар тизимининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) битта тухумдонни, бачадон найчасини, мойкни йўқотилиши	15
	б) ҳар иккала тухумдонни, бачадон найчаларини, мойкларни, олатнинг қисмини йўқотилиши	30
	в) аёлларда бачадонни куйидаги ёшда йўқотилиши:	
	40 ёшгача	50
	40 ёшдан 50 ёшгача	30
	50 ва ундан катта ёшда	15
	г) олатнинг йўқотилиши	50
	<b>ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРДА</b>	
57.	Юз тўқималарининг, бўйин олд-ён томондаги юзаларининг, жағ ости соҳасининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) хусннинг ўртача бузилиши	5
	б) хусннинг сезиларли бузилиши	15
	в) хусннинг кескин бузилиши	40
	г) хусннинг хунук даражада бузилиши	70
	<b>Изоҳ:</b> 1. Косметик жиҳатдан сезиларли чандиқларга атрофдаги тери рангидан фарқланадиган, унинг юзасига нисбатан ичига кирган ёки бўртиб чиққан, тўқималарни тортиб турувчи чандиқлар киради. Хусннинг хунук даражада бузилиши – бу механик, кимёвий, термик ва бошқа зўравонлик билан қилинган таъсирлари натижасида одам юзи табиий кўринишининг кескин ўзгариши. 2. Агар юз чаноғи суякларининг синиқ бўлаклари силжиган ҳолда синиши муносабати билан жарроҳлик (очиқ репозиция) ўтказилган ва бунинг натижасида юзда чандиқ ҳосил бўлган бўлса ҳамда агар ушбу чандиқ хуснни у ёки бу даражада бузса, суғурта товони синиши ва жарроҳликдан кейинги чандиқни ҳисобга олган ҳолда тўланади. 3. Агар юз юмшоқ тўқималарининг, бўйин олд-ён томондаги юзаларининг, жағ ости соҳасининг шикастланиши натижасида чандиқ ёки хуснни бузувчи пигмент доғ ҳосил бўлган ва шу муносабат билан суғурта товонининг тегишли қисми тўланган бўлса, сўнгра суғурталанган шахс шунингдек хуснни бузувчи янги чандиқлар (пигмент доғлари) ҳосил бўлишини келтириб чиқарган такрорий шикастланишни олса, суғурта товони такрорий шикастланишни ҳисобга олган ҳолда яна тўланади.	
58.	Бошнинг соч қисми, тана, қўл ва оёқлар юмшоқ тўқималарининг битганидан кейин қуйидагича миқдордаги юзаларда чандиқлар ҳосил бўлишини келтириб чиқарган шикастланиши	
	а) 2,0 дан 5,0 кв. см гача	3
	б) 5 кв. см дан тана юзасининг 0,5% гача	5
	в) тана юзасининг 0,5% дан 2,0% гача	10
	г) тана юзасининг 2,0% дан 4,0% гача	15
	д) тана юзасининг 4% дан 6% гача	20
	е) тана юзасининг 6% дан 8% гача	25
	ж) тана юзасининг 8% дан 10% гача	30
	з) тана юзасининг 10% ва ундан ортиғи	35

	<b>Изоҳ.</b> Текирирувдан ўтаётган шахс танаси юзасининг I фоиизи унинг қўл панжаси ва бармоқлари майдонига тенг. Ушбу майдон билан суяги бўғинидан III бармоқ тирноқ бўғини учига қадар ўлчанадиган қўл панжаси узунлигини II-V панжа ўзаги бошчалари даражасида (I бармоқ ҳисобга олинмаган ҳолда) ўлчанадиган унинг энига кўпайтириш йўли билан квадрат сантиметрларда аниқланади.	
59.	Тана, қўл ва оёқлар юмшоқ тўқималарининг қуйидаги юзада пигмент доғлари ҳосил бўлишини келтириб чиқарадиган шикастланиши:	
	а) тана юзасининг 1% дан 2% гача	3
	б) тана юзасининг 2% ва ундан ортиғи	5
60.	Куйиш касаллиги, интоксикация, куйиш билан боғлиқ шок	10
	<b>Изоҳ.</b> 60-банд бўйича суғурта товони куйиш ёки совуқ урдирини муносабати билан тўланадиган суғурта товонига қўшимча равишда тўланади.	
61.	Мушак чурраси, посттравматик периостит юзага келишини, мушак ва пайларнинг узилишини келтириб чиқарадиган юмшоқ тўқималарнинг ёпиқ шикастланиши; травма муносабати билан пластик операция ўтказилиши учун мушак ёки фашиал трансплантатни олиш, шунингдек юмшоқ тўқималарда олиб ташланмаган бегона жисмлар, сўрилмаган гематома	5
	<b>УМУРТҚА ПОҒОНАСИДА</b>	
62.	Умуртқада умуртқа суяги, тўш суяги ва бўғин ўсимталарининг синиши ёки чиқиши:	
	а) битта-иккитаси	20
	б) уч ва ундан ортиғи	30
63.	Умуртқа пайларининг қисман ёки тўлиқ узилиши, умуртқаларнинг кичикроқ даражада чиқиши	20
	<b>Изоҳ:</b> 1. Агар умуртқа шикастланиши муносабати билан жарроҳлик билан даволаш ўтказилган бўлса, қўшимча равишда 15% миқдорда суғурта товони тўланади. 2. Агар умуртқаларнинг синиши ёки чиқиши орқа мия шикастланиши билан кечадиган бўлса, суғурта товони ҳар иккала шикастланишларни ҳисобга олган ҳолда қўйиш йўли билан тўланади.	
64.	Кўндаланг ёки қилтиқли ўсмаларнинг синиши:	
	а) битта-иккитаси	5
	б) уч ва ундан ортиғи	10
	<b>Изоҳ.</b> Агар бир шикастланиш натижасида умуртқа танасининг синиши, пайларнинг шикастланиши, кўндаланг ёки қилтиқли ўсмаларнинг синиши юз берса, суғурта товони энг оғир шикастланишини назарда тутадиган банд бўйича бир марта тўланади.	
65.	Думғаза суягининг синиши, думғаза умуртқаларининг чиқиши	10
66.	Думғаза умуртқаларининг синиши ёки чиқиши ва шу муносабат билан думғазанинг олиб ташланиши	20
	<b>Изоҳ.</b> Агар бир шикастланиш натижасида умуртқадаги ҳар қандай бўлимнинг, шунингдек думғаза ёки дум суягининг синиши (чиқиши) юз берса, суғурта товони ҳар бир шикастланишни ҳисобга олган ҳолда қўйиш йўли билан тўланади.	
	<b>ҚўЛЛАРДА</b>	
	<b>КУРАК ВА ЎМРОВ СУЯГИДА</b>	
67.	Курак, ўмров суягининг синиши, акромиял-ўмров, кўкрак-ўмров бўғинларининг узилиши:	
	а) битта суякнинг синиши ёки битта бўғиннинг узилиши	5
	б) иккита суякнинг синиши, иккита бўғиннинг узилиши ёки битта суякнинг синиши ва битта бўғиннинг узилиши	10
	в) битмаган синик, сохта бўғин, иккита бўғимнинг узилиши ва битта суякнинг синиши, иккита суякнинг синиши ва битта бўғимнинг узилиши	15
	Елка бўғини	
68.	Елка бўғинининг шикастланиши (курак бўғини ботиғининг, елка суяги бошчасининг, анатомик бўйинчасининг, катта бўртмачасининг синиши, пайлар, бўғин халтачасининг узилиш, елканинг чиқиши):	
	а) битта суякнинг синиши, елканинг чиқиши, пайларнинг, бўғин халтачасининг шикастланиши	5
	б) иккита суякнинг синиши, синиш-чиқиш	10
	в) суякнинг (суякларнинг) синиши ва пайларнинг шикастланиши, битмаган синик	15
69.	Елка бўғинининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) елканинг одатий чиқиши	20
	б) бўғинда ҳаракатларнинг йўқлиги (анкилоз)	45

	в) суякларни ташкил қилувчи бўғин юзаларини резекция қилиш натижасида "осилиб турувчи" елка бўғини	60
	<b>Изоҳ:</b> 1. Агар 67, 68, 69-бандларда санаб ўтилган шикастланишлар муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилмаган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади. Бунда трансплантанти олиш учун қўшимча тўлов олинмайди. 2. Одатдаги чиқишида, агар ушбу чиқиш суғурта шартномаси амал қилиши даврида содир бўлган бирламчи чиқиш натижасида юз берган бўлса, суғурта товони тўланади. Елканинг бирламчи чиқиши ташхиси уни жойига қўйиш амалга оширилган даволаш муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Елканинг одатдаги чиқиши такрорланганида суғурта иовони тўланмайди. 3. Агар елка бўғинининг шикастланиши муносабати билан 68-банд бўйича суғурта товони тўланган бўлса, сўнгра 69-бандда санаб ўтилган асоратлар юзага келган бўлса, суғурта товони илгари амалга оширилган тўловни инобатга олган ҳолда уни айириб ташлаш йўли билан 69-банднинг кичик бандларидан бирига мувофиқ тўланади.	
	<b>ЕЛКАДА</b>	
70.	Елка суягининг ҳар қандай даражадаги синиши (бўғин соҳаси бундан мустасно):	
	а) синик бўлаклари силжимаган ҳолда синиши	15
	б) синик бўлаклари силжиган ҳолда синиши	25
	<b>Изоҳ.</b> Агар елка синиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
71.	Қуйидаги ҳолларда қўлнинг травматик ампутацияси ёки унинг ампутацияга олиб келган оғир шикастланиши:	
	а) курак, ўмров ёки уларнинг бир қисмида	80
	б) елкада ҳар қандай даражада	75
72.	Сохта бўғин (битмаган синик) ҳосил бўлган ҳолда асоратланган елка суягининг синиши	45
	<b>Изоҳ.</b> 72-банд бўйича суғурта товони шикастланиши олинганидан кейин камида 9 ой ўтгач тўланади. Агар елканинг синиши муносабати билан илгари суғурта товони тўланган бўлса, унинг миқдори якуний қарор чиқарилганида айириб ташланади.	
	<b>ТИРСАК БЎҒИНИДА</b>	
73.	Тирсак бўғини соҳасида шикастланишлар (бўғинни, шу жумладан метафизар бўғинни ташкил этувчи суякларнинг синиши, пайларнинг, бўғин халтачасининг шикастланиши, билакнинг чиқиши):	
	а) синик бўлаклари силжимаган, пайлари шикастланмаган ҳолда битта суякнинг синиши	5
	б) синик бўлаклари силжимаган ҳолда иккита суякнинг синиши	10
	в) синик бўлаклари силжиган ҳолда суякнинг (суякларнинг) синиши	15
74.	Тирсак бўғини соҳасида қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиш:	
	а) бўғинда ҳаракатларнинг йўқлиги (анкилоз)	40
	б) "осилиб турувчи" тирсак бўғини (суякларини ташкил этувчи бўғин юзалари резекцияси натижасида)	50
	<b>Изоҳ:</b> Агар тирсак бўғини шикастланиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
	<b>БИЛАКДА</b>	
75.	Билак суякларининг (диафизнинг) синиши:	
	а) битта суякнинг синиши	10
	б) иккита суякнинг синиши, битта суякнинг синиши ва иккинчисининг чиқиши	15
76.	Сохта бўғин (битмаган синик) ҳосил бўлган ҳолда асоратланган билакнинг битта ёки ҳар иккала суягининг синиши:	
	а) билакнинг битта суягининг синиши	25
	б) билакнинг иккита суягининг синиши	40
	в) билакнинг битта суягининг синиши ва иккинчи суягида битмаган синик мавжудлиги	35
	<b>Изоҳ:</b> 1. Агар билак суякларининг синиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади. 2. Битмаган синик ёки сохта бўғин муносабати билан суғурта товони шикастланишдан кейин камида 9 ой ўтгач тўланади.	
77.	Травматик ампутация ёки билакнинг ҳар қандай даражада ампутациясига олиб келган оғир шикастланиши	65
	<b>БИЛАК СУЯГИ БЎҒИНИДА</b>	

78.	Билак суяқларининг дистал метафиз соҳасида (типик жой) синиши, билакдан таралган суяк бўғинларини ташкил этган суяқларнинг ички бўғин синишлари, бўғин пайларининг шикастланиши, қўл панжасининг чиқиши	10
79.	Билакдан таралган суяк бўғинининг ушбу бўғинда ҳаракатлар йўқлигига (анкилозга) олиб келган шикастланиши	30
	<b>Изоҳ.</b> Агар билакдан таралган суяк бўғини соҳасида шикастланиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
	<b>ҚЎЛ ПАНЖАСИДА</b>	
80.	Билак суяқларининг, битта қўл панжаси ўзагининг синиши ёки чиқиши:	
	а) битта суяқнинг (руҳсимон суяқдан ташқари)	5
	б) икки ва ундан ортиқ суяқларнинг, руҳсимон суяқнинг	10
	в) битмаган синиклар, сохта бўғинларнинг мавжудлиги	15
	<b>Изоҳ.</b> Агар қўл панжаси шикастланиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
81.	Қўл панжасининг травматик ампутацияси ёки панжанинги ўзак суяқлари ёки билак суяқлари даражасида ампутациясига олиб келган шикастланиши	65
	<b>ҚЎЛ БАРМОҚЛАРИДА</b>	
	<b>Биринчи бармоқда</b>	
82.	Бармоқ бўғини (бўғинлари) суяқларининг синиши, чиқиши, юмшоқ тўқималари нуқсон мавжуд бўлгани ҳолда яраланиши, бармоқ пайининг (пайларининг) шикастланиши, милкак (тирноқ остининг яллиғланиб йиринг бойлаши) (85-бандга изоҳга қаранг).	5
83.	Бармоқнинг унда ҳаракатланиш йўқлигини келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) битта бўғинда	10
	б) бармоқнинг иккита бўғимида	15
84.	Бармоқнинг травматик ампутацияси ёки қуйидаги даражада бармоқ ампутациясини келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) тирноқ бўғинини ва бармоқнинг бўғинлараро бўғинини	10
	б) бармоқнинг асосий бўғинини, панжа ўзаги суяги-бармоқ бўғинини (бармоқни йўқотилиши)	20
	в) панжа ўзаги суягини	25
	<b>Иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи бармоқларда</b>	
85.	Бармоқ бўғини (бўғинлари) суяқларининг синиши, чиқиши, юмшоқ тўқималари нуқсон мавжуд бўлгани ҳолда яраланиши, бармоқ пайининг (пайларининг) шикастланиши, милкак (тирноқ остининг яллиғланиб йиринг бойлаши)	5
	<b>Изоҳ.</b> 82 ва 85-бандлар бўйича суғурта товони фақат тери ости, пай, бўғин ёки суяк милхаки мавжуд бўлган тақдирда тўланади. Тирноқ олди тўқималарининг яллиғланиши (паронихия) суғурта товонини тўлаш учун асос бўлмайди.	
86.	Бармоқнинг травматик ампутацияси ёки қуйидаги даражада бармоқ ампутациясини келтириб чиқарган шикастланиш:	
	а) тирноқ бўғинини (бармоқ бўғинини йўқотилиши)	5
	б) бармоқнинг ўрта бўғинини (бармоқнинг иккита бўғинини йўқотилиши)	10
	в) бармоқнинг асосий бўғинини (бармоқни йўқотилиши)	15
	г) панжа ўзаги суягини	20
87.	Травматик ампутация ёки битта қўл панжасидаги барча бармоқлар ампутациясини келтириб чиқарган шикастланиш	65
	<b>Изоҳ.</b> Битта суғурта шартномаси амал қилиши даврида қўл панжасининг бир нечта бармоқлари шикастланганида суғурта товони ҳар бир шикастланишни ҳисобга олган ҳолда қўшимча йўли билан тўланади. Бироқ унинг миқдори битта қўл панжаси учун 65% дан ва ҳар иккала қўл панжаси учун 100% дан ошмаслиги керак.	
	<b>ТОС СУЯГИДА</b>	
88.	Тос суяқларининг синиши:	
	а) коворга билан қорин орасидаги куракнинг синиши	5
	б) қов, қўймуч суягининг, қовурга билан қорин орасидаги бирлашган бўғиннинг, кўст суягининг синиши	10
	в) икки ва ундан ортиқ суяқларнинг синиши	20
89.	Қов суяқлари, думгаза-қовурга ва қорин орасида бирлашган бўғинининг узилиши:	
	а) битта бўғинининг узилиши	10
	б) иккита бўғинининг узилиши	15
	в) учта бўғинининг узилиши	20
	<b>Изоҳ:</b>	

	<p>1. Агар тос суяклари синиши ёки бўгинларнинг узилиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.</p> <p>2. Агар битта шикастланиши натижасида тос суякларининг синиши ва бўгинларнинг узилиши юз берса, суғурта товони ҳар бир шикастланишни ҳисобга олган ҳолда қўшиши йўли билан тўланади.</p>	
	<b>ОЁҚЛАРДА</b>	
	<b>ТОС-СОҢ БЎГИНИДА</b>	
90.	Соң суяги бошчаси, бўйинчасининг синиши, пайларининг шикастланиши, соң суяги чиқиши	20
	<b>Изоҳ.</b> Агар тос-соң бўгини шикастланиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, бир марта 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
91.	Тос-соң бўгинининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) бўгиннинг ҳаракатсизлиги (анкилоз)	50
	б) "осилиб турувчи" бўгин (соң суяги бошчаси, юқори кўсти чуқурчаси резекцияси натижасида)	70
	в) эндопротезлаш	45
	<b>СОҢ СУЯГИДА</b>	
92.	Соң суягининг ҳар қандай даражада синиши (бўгинлар соҳаси бундан мустасно):	
	а) бўлаклар силжимаган ҳолда	20
	б) бўлаклар силжиган ҳолда	25
	<b>Изоҳ.</b> Агар соң суяги синиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
93.	Сохта бўгин (битмаган синик) ҳосил бўлиши билан асоратланган соң суягининг синиши.	55
	<b>Изоҳ.</b> Битмаган синиши ёки сохта тос бўгини муносабати билан суғурта товони шикастланиши олинганидан кейин камида 9 ой ўтгач тўланади. Агар илгари соң суяги синиши муносабати билан суғурта товони тўланган бўлса, унинг миқдори якуний қарор қабул қилинганда айириб ташланади.	
94.	Травматик ампутация ёки соң суягининг ҳар қандай даражасида оёқнинг ампутациясига олиб келган оғир шикастланиши:	
	а) битта оёқнинг шикастланиши	70
	б) ягона оёқнинг шикастланиши	100
	<b>ТИЗЗА БЎГИНИДА</b>	
95.	Тизза бўгинининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланишлари:	
	а) гемартроз, менискни (менискларни), пайларни шикастланиши, суяк бўлакларини узилиши	5
	б) тизза усти суягини синиши	10
	в) тизза бўгинини ташкил этувчи суякларнинг синиши (тоснинг дистал эпифизи ва катта болдир суягининг проксимал эпифизи), болдирнинг чиқиши	20
	<b>Изоҳ:</b>	
	1. Агар тизза бўгини соҳасида шикастланиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, бир марта 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
	2. Тизза бўгинининг турли шикастланишлари бирга мавжуд бўлганда, суғурта товони 95-банднинг кичик бандларидан энг оғир шикастланишни назарда тутувчи битта кичик бандига мувофиқ бир марта тўланади.	
96.	Тизза бўгини соҳасида қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланишлар:	
	а) бўгинда ҳаракатланишнинг йўқлиги	35
	б) тизза бўгини суякларини ташкил этувчи бўгин сиртларининг резекцияи натижасида "осилиб турувчи" тизза бўгини	45
	<b>БОЛДИРДА</b>	
97.	Болдир суягининг синиши:	
	а) кичик болдир суяги синиши	5
	б) катта болдир суяги синиши	15
	в) ҳар иккала суякни синиши	20
	<b>Изоҳ:</b>	
	1. Агар болдир суякларининг синиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, бир марта 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
	2. 97-банд бўйича суғурта товони қуйидаги ҳолларда аниқланади: - кичик болдир суягининг юқори ва ўрта учдан бир қисми синишларида; - катта болдир суяги диафизининг ҳар қандай даражадаги синишларида;	

	- катта болдир суягининг диафиз соҳасидаги (юқори, ўрта, қўйи учдан бир қисми) синишларида ва кичик болдир суягининг юқори ва ўрта учдан бир қисми синишларида. 3. Агар травма натижасида тизза ва болдир-товон бўғинида катта болдир суягининг ички бўғин синиши ва диафиз соҳасида кичик болдир суягининг синиши юз берган бўлса, суғурта товони 95 ва 97-банд бўйича ёки 100 ва 97-банд бўйича қўшиши йўли билан тўланади.	
98.	Травматик ампутация ёки болдирнинг ампутациясини келтириб чиқарган ҳар қандай даражадаги оғир шикастланиш	60
99.	Сохта бўғин (битмаган синик) ҳосил бўлиши билан асорат қолдирган ҳолда болдирнинг битта ёки ҳар иккала суяги синиши:	
	а) кичик болдир суяги синиши	10
	б) катта болдир суяги синиши	30
	в) ҳар иккала суякни синиши	40
	г) кичик болдир суяги синиши ва катта болдир синган суягининг битиги	25
	д) катта болдир суяги синиши ва кичик болдир синган суягининг битиги	35
	<b>Изоҳ.</b> 99-банд бўйича суғурта товони шикастланиши олгандан кейин камида 9 ой ўтгач тўланади.	
	<b>БОЛДИР-ТОВОН БЎҒИНИДА</b>	
100.	Болдир-товон бўғини соҳасида шикастланишлар:	
	а) болдир-товон бўғини пайларининг шикастланиши, тўпик суякларидан бирининг ёки катта болдир суяги чеккасининг синиши	5
	б) ҳар иккала тўпик суякларининг синиши, ҳар иккала тўпик суякларининг катта болдир суяги чеккаси билан синиши, дистал тос суяклари аро синдесмознинг узилиши	10
	в) битта ёки ҳар иккала тўпик суякларининг катта болдир суяги чеккаси билан синиши, дистал тос суяклари аро синдесмознинг узилиши ва оёқ кафти суягининг ярим чиқиши (чиқиши) билан	15
101.	Болдир-товон бўғини соҳасида қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиш:	
	а) болдир-товон бўғинида ҳаракатларнинг йўқлиги (анкилоз)	35
	б) "осилиб турувчи" болдир-товон бўғини (уни ташкил этувчи суякларнинг бўғин юзаларини резекция қилиш натижасида)	40
	<b>Изоҳ:</b> 1. Агар болдир-товон бўғинининг шикастланиши натижасида жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади. 2. Кичик болдир суягининг дистал (пастки) учдан бир қисмининг синиши ташқи тўпик суяги синишига тенглаштирилади.	
102.	Ахилл пайининг шикастланиши:	
	а) консерватив даволашда	10
	б) жарроҳлик йўли билан даволашда	20
	<b>ОЁҚ КАФТИДА</b>	
103.	Оёқ кафти суягининг (суякларининг) синиши ёки чиқиши, пайларнинг шикастланиши:	
	а) битта-иккита суякларнинг синиши, пайларнинг узилиши	5
	б) учта ва ундан ортик суякларнинг синиши	10
	в) битмаган синиш, сохта бўғин	15
	<b>Изоҳ:</b> 1. Агар оёқ кафти суякларининг синиши ёки чиқиши ёки пайларининг узилиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 5% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади. 2. Турли шикастланишлар натижасида юз берган оёқ кафти суякларининг синган ёки чиққан тақдирда, суғурта товони ҳар бир шикастланиш фактини ҳисобга олган ҳолда тўланади.	
104.	Травматик ампутация ёки қуйидагилар даражасида оёқ кафти ампутациясини келтириб чиқарган оёқ кафтининг оғир шикастланиши:	
	а) а) оёқ кафтига доир суяклар-бармоқлар суяги бўғинлари даражасида (оёқ кафтида барча бармоқларнинг йўқлиги)	30
	б) оёқ кафтига доир суяклар даражасида	35
	в) оёқ кафтига доир суяклардан олдинги даражасида	40
	г) тўпик, товон суяклари, болдир-товон бўғини даражасида	50
	<b>ОЁҚ КАФТИ БАРМОҚЛАРИДА</b>	
105.	Битта оёқ кафтидаги бармоқ бўғинининг (бўғинларининг) синиши, чиқиши, пайнинг (пайларнинг) шикастланиши:	

	а) бармоқдаги битта ёки бир нечта бўғинларнинг синиши ёки чиқиши, битта ёки иккита бармоқдаги пайларнинг шикастланиши	5
	б) бармоқдаги битта ёки бир нечта бўғинларнинг синиши ёки чиқиши, учта ёки бешта бармоқдаги пайларнинг шикастланиши	10
106.	Травматик ампутация ёки бармоқлар ампутациясини келтириб чиқарган шикастланиш:	
	биринчи бармоқ ампутациясини:	
	а) бармоқдаги тирноқ бўғини даражасида (тирноқ бўғинини йўқотилиши)	5
	б) бармоқдаги асосий бўғин даражасида (бармоқни йўқотилиши)	10
	иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи бармоқлар ампутациясини:	
	в) бармоқдаги тирноқ бўғинлари ёки ўрта бўғинлар даражасида битта-иккита бармоқларни йўқотилиши	5
	г) бармоқдаги асосий бўғинлар даражасида битта-иккита бармоқларда (бармоқларни йўқотилиши)	10
	д) бармоқдаги тирноқ бўғинлари ёки ўрта бўғинлар даражасида учта-тўртта бармоқларда	15
	е) бармоқдаги асосий бўғинлар даражасида учта-тўртта бармоқларда (бармоқларни йўқотилиши)	20
107.	Травмадан кейинги тромбофлебит, лимфостаз, остеомиелит, трофика бузилиши ривожланишини келтириб чиқарувчи шикастланиш.	10
	<b>Изоҳ:</b> 1. 107-банд қўл ёки оёқлар шикастланиши оқибатида юз берган тромбофлебитлар, лимфостаз ва трофика бузилишларида (бундан йирик периферик томирлар ва нервлар шикастланиши мустасно), аммо шикастланишдан кейин камда 6 ой ўтгач қўлланилади. 2. Қўл ва оёқ панжалари бармоқларининг йирингли яллиғланиши 107-банднинг қўлланилиши учун асос бўлмайди.	
108.	Травматик шок	10
	<b>Изоҳ.</b> 108-банд бўйича суғурта товонини тўлаш шикастланиши натижасида юз берган бошқа шикастланишлар муносабати билан тўланган тўловларга қўшимча равишда амалга оширилади.	

**Изоҳ:**

1. Жабрланувчи вафот этганида ёки унга ногиронлик белгиланганида суғурта товони қуйидаги миқдорда, илгари тўланган суғурта товонларини айириб ташлаган ҳолда амалга оширилади:

жабрланувчининг вафот этиши	-	100%
I гуруҳ ногиронлигига олиб шикастланиши	-	80%
II гуруҳ ногиронлигига олиб шикастланиши	-	65%
III гуруҳ ногиронлигига олиб шикастланиши	-	50%

2. Ўрни қопланаётган зиённинг миқдори фоизларда аниқланади ва у Суғурта суммасининг 65 фоизини ташкил этади. Жабрланувчи бир нечта турдаги шикастланишларни олган тақдирда, агар жадвалда келтирилган изоҳларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурта тўлови шикастланишларнинг ҳар бирини ҳисобга олган ҳолда қўшиб бориш йўли билан тўланади.